





# Гўзал ифодалар, майин оҳанглар

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бинобарин, мазкур спорт тури бўйича 2004, 2005, 2011, 2012, 2014 ҳамда 2015 йилларда Жаҳон кубоги босқичлари, қолаверса, 2010, 2013 ва 2016 йилларда Осиё чемпионати Тошкент шаҳрида муваффақиятли ташкил этилган эди. Шу билан бир қаторда, 2012 йилда пойтахтимизда Осиё гимнастика иттифоқининг Бош ассамблеяси, 2014 йилда эса Халқаро гимнастика федерациясининг 80-конгресси ҳам бўлиб ўтди.

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, истиқлол йилларида юртимизда ҳар қандай спорт анжумани муносиб қабул қила оладиган инфратузилма шакллантирилган, ташкилотчилик борасида бой таҳриба тўпланган. Ўз навбатида, жисмоний тарбия ҳамда спортни ҳар томонлама омалаштиришга қаратилган улкан эътибор туфайли кўплаб салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Шуҳасис, бундай ислохотлар мамлакатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда катта аҳамият касб этапти.

...2016 йил, 13 май. Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби саройи байрамона безатилган. Иштирокчи мамлакатларнинг давлат байроқлари ҳилпираб турибди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б. Аҳмедов ва бошқалар республикамизда Президентимиз раҳнамолигида кўплаб соҳалар сингари болалар ва хотин-қизлар спортини, жумладан, бадиий гимнастикани ривожлантиришга қаратилган улкан ғамхўрлик ўз самаларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, спортнинг ушбу нафис тури қизларнинг жисмон соғлом бўлиб voyга етиши, иродаси тобланишига, аниқ мақсад йўлида дадил интилишига кўмак берадиган, мусикага бўлган ошуфталлини кучайтириб, маънавий оламни бойитадиган муҳим омиллардан биридир. Шу буюм диёримизнинг барча хулуида бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Мазкур спорт тури тўғралоқига қатновчи қизлар сони йилдан-йилга ошиб бораёпти.

Бундай саъй-ҳаракатлар ўз меваларини бермасдан қолмайди, албатта. Жумладан, Осиё чемпионатида ҳамюртларимиздан илк бор Олеся Ашаева 2004 йилда бронза медалга эришган эди. 2009 йилги жаҳон чемпионатида эса Ульяна Трофимова халқа ва аргамчида машқ бажаришда иккита бронза медални кўлга киритган бўлса, жамоавий бахс-



Хосан ПАЙДОВ олинган сурат.

ларда ҳам гимнастикчиларимиз учинчи ўринни эгаллашди. 2010 йили пойтахтимизда 14 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Азиза Мамажонова шоҳсуланинг энг юқори поғонасидан жой олди. Ўша йили Хитой мезбонлик қилган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида терма жамоамиз қизлари иккинчи ўрин соҳибига айланган.

Ўзбекистон вакиллари бу каби ютуқлар салмоғини йилдан-йилга ошириб келишмоқда. Хусусан, жорий йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Анастасия Сердюкова яққалик йўналишида, истеъдодли ёш спортчи қизларимизамира Амирова, Валерия Давидова, Луиза Фаниева, Зарина Курбонова, Марта Растворова эса жамоавий чиқишларда муваффақиятли қатнашиб, ХХХІ ёзги Олимпиада ўйинларида бориш ҳуқуқига эга бўлди. Қолаверса, яқинда пойтахтимиз мезбонлик қилган катталар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Елизавета Назаренкова шахсий кўп кураш баҳсларида кумуш

медалга лойиқ кўрилди. Айни пайтда у булада машқ бажаришда кумуш, тўпда ва халқада машқ бажаришда эса бронза медалларни кўлга киритди.

Тошкентда бошланган навбатдаги Жаҳон кубоги босқичида иштирокчилар яққалик ва гуруҳ баҳсларида аргамчи, халқа, тўп, булада, тасмада машқ бажариш ҳамда кўп кураш бўйича ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

Жаҳон кубоги босқичидаамира Амирова, Валерия Давидова, Луиза Фаниева, Зарина Курбонова, Марта Растворовадан иборат Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳ мусобақаларида юртимиз шарофтини ҳимоя қилса, шахсий чиқишларда Елизавета Назаренкова ва Анастасия Сердюкова медалларни учин бахс олиб боради.

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Harpu Caravan" халқаро турнирида эса Асал Икромова, Аида Гасанова, Лола Зокирова, Милана Тян, Алексия Киселёва ва Нуринос Усмонова каби ёш гимнастикчиларимиз иштирок этмоқда.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида катта концерт дастури намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳодиев иштирок этди.

Хосан ТОШХЎЖАЕВ.

## ТАНЛОВ

Пойтахтимизда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Ҳуқуқ билимдонлари" танловининг мамлакат босқичи бошланди.

# «Ҳуқуқ билимдонлари»

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, юртимизда ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, иқтидорларини кенг намойиш қилишлари учун барча имконият яратилган. Мазкур жараёнда ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга, уларни жамиятда фаол, қатъий фуқаролик позициясига эга, мамлакат равнақига муносиб ҳисса қўшишни фарзандлик бурчи, деб биландиган авлод этиб тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда 2014 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ҳуқуқ билимдонлари" интеллектуал беллашуви ҳам ушбу мақсадлар рўйбига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган мазкур танлов жорий йилда тўрт босқичда амалга ошириляпти. Жумладан, март ойида бўлиб ўтган саралаш босқичида тўққиз юз мингга яқин ўқувчи ёшлар ўз иқтидорини синовдан ўтказди. Танловнинг иккинчи босқичида қарийб эллик минг ўқувчидан иборат мактаб жамоаларидан 965 нафар ўқувчи асосидаги туман (шаҳар) гуруҳлари шакллантирилди.

Республика босқичида эса ўн тўртта ҳудудий босқичда муносиб қатнашиб, голибликни кўлга киритган жами 70 нафар ўғил-қиздан иборат жамоалар ўзаро беллашмоқда.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг аҳамияти, ҳуқуқносликка оид тест синовларидан ўтапти. Шунингдек, жамоалар томонидан voyга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқий маданиятнинг аҳамиятига доир саҳна кўринишлари ҳам йиғилганлар эътиборига ҳавола этиляпти.

— Беллашувда бор билим ҳамда маҳоратимизни ишга соляепмиз, — дейди Навоий вилоятининг Кармана туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби 9-синф ўқувчиси Шахло Усмонова. — Ушбу жараёнда янада чуқур англаяпмизки, юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамиша устувор. Истиқлол инъоми бўлган бу олий кадрлар она-Ватанимизнинг тинч-осудалиги, юрдошларимиз орузларининг ижобатида ўз аксини топмоқда. Биз, ёшларнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаёй камол топишимиз учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Ушбу меҳр ва ғамхўрликнинг қадрига етиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Дилмурод СОДИКОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## ТАЪЛИМ

Ўқувчиларнинг фан сирларини пухта эгаллаши, илм олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини кучайтириш, тарбиясини тўғри йўлга қўйиш жонкуяр ўқитувчиларнинг меҳнати, малака ҳамда маҳоратига боғлиқ.

# Йилнинг энг яхши фан ўқитувчилари аниқланди

Бугун устоз-мураббийларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар замирида ҳам баркамол авлоднинг эртанги кунга муносиб қилиб тарбиялашдек эзгу ният мумкин. Бинобарин, умумий ўрта таълим мактабларимизда дарслар илгор педагогик технологиялар, янгича интерфаол услубларни қўллаган ҳолда ўтказилаётди. Халқ таълими вазирлиги томонидан аънавий тарзда ташкил этиб келинаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши мактаби", "Йилнинг энг яхши психологи" каби кўриктанловлар ўз билим ҳамда тажрибаси, истеъдод ва маҳоратини ишга солиб, маърифат йўлида беминнат хизмат қилаётган педагоглар меҳнатини эътироф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Бундай тадбирлар орасида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловининг алоҳида ўрни бор. 2006 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу тадбирда қатнашиш истагидарга устоз ва мураббийлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганини диққатга сазовордир.

Жорий йилги кўриқда

Коракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичида ўн фан йўналиши бўйича 2,5 минг нафардан зиёд ўқитувчи иштирок этган бўлса, шулардан 182 нафари республика босқичига йўланмани кўлга киритди. — Бошланғич таълим йўналиши бўйича ҳудудда голиб бўлдим, — дейди Фаргона вилояти, Ўзбекистон туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Одина Умрзоқова. — Бугунги давр педагоглардан ўз билим ва кўникмаси, касб маҳоратини муттасил ошириб боришни талаб қилаётди. Соҳага қаратилган алоҳида эътибор ҳамда ўқитувчиларнинг ҳар томонлама кўллаб-қувватланиши бизни янада кўпроқ изланишга ундаяпти.

Тўрт кун давомида танлов иштирокчилари ўз фанлари бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. Якуний натижаларга кўра, 13 фан йўналиши бўйича голиб ҳамда совриндорлар аниқланди. Улар "Халқ таълими аълочилиси" кўрақ нишони ва вазирликнинг қимматбаҳо совгалари билан тақдирланди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

# Муваффақиятлар омили

Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳада рўй бераётган ўзгаришлар янгиликларни иқтисодиётимизнинг янада барқарор, турмушимизнинг бундан-да фаровон бўлишига хизмат қилаёпти.

лион 820 минг сўмга кўпайгани, акциялар сони эса 1 миллион 101 минг 820 донага етгани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда кўлга киритилган муваффақиятлар ва олинаётган даромаднинг

## ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ

ошиши ҳисобига "Sarbon-Neftgaz"нинг акциялари қиймати ҳам, устав фонди ҳам ўсиб бормоқда. Эришилаёт-

Айни пайтда "Ўзбекнефтегаз" Миллий холдинг компаниясининг таркибий бўлиминиси ҳисобланган "Sarbon-Neftgaz" акциядорлик жамияти ўзининг 50 та юк ва махсус автоуловлари, 95 та енгил автомобили ҳамда 16 та

замонавий автобуси билан корхона ва ташкилотларга юк ҳамда йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиб



Яратилаётган имкониятлар ва қулай ишбилармонлик муҳити кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжалиқлари фаолиятида, айниқса, алоҳида аҳамият касб этмоқда. Масалан, 1994 йили пойтахтимизда иш бошлаган "Sarbon-Neftgaz" акциядорлик жамияти ўтган даврда "Ўзбекнефтегаз" Миллий холдинг компаниясининг ўнлаб корхоналарида транспорт хизмати кўрсатиш орқали йилга ўртача 800 миллион сўм атрофида соф фойда олгани йилги тадбиркорлик субъектларидан бирига айланган. Корхонанинг устав фонди 1 миллиард 101 мил-

гон ютуқларда соҳанинг муштаҳам ҳуқуқий асослари яратилгани муҳим омил бўлаётди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги "Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда акциядорларнинг 2013 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, жамият акциялари 1:10 коэффицентда майдалаштирилди. Бугунги кунда жамият акциялари қиймати минг сўм қилиб белгиланган. Ваҳолонки, шу пайтгача ҳар бир акциянинг нархи, бор-йўғи, икки юз сўмни ташкил этарди.

келмоқда. Шунингдек, 6,4 гектар майдонни эгаллаган жамиятда автомобилларга алоҳида-алоҳида ёпиқ хоналар ва бостирмалар, таъмирлаш устaxonалари, ёнгил ҳамда газ қуйиш шохобчаларининг мавжудлиги хизматни сифатли бажаришни таъминляпти.

— Ўтган йили компания тизимидаги 32 та корхона билан транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан шартнома тузиб, зиммамиздаги вазифани муваффақиятли удаладиқ, — дейди жамият раиси Қаҳрамон Муродов. — Ёнгил-мойлаш ашёлари, аккумулятор, шина ҳамда бошқа за-

Усмон УСМОНОВ

тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА УРНИДА

Барча чет эл инвесторлари диққатига!

## «KVARTS» АЖ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2340-сонли қарорига асосан, «Тошкент» Республика фонд биржаси савдоларида иштирок этиш учун хорижий инвесторларни таклиф қилади.

Манзил: Тошкент ш., Бухоро к., 10-уй. Тел.: (+99871) 236-07-40, 233-32-31.

Сотувга чиқарилган акциялар сони 17 972 955 дона (устав фондининг 75 фоизи).

Бугунги кунда акцияларнинг умумий қиймати 10 фоиз камайгирилиб, 84 879 450 АҚШ долларини ташкил этади, инвестициявий мажбуриятлар миқдори 9,2 млн. АҚШ доллариди, инвестиция киритиш муддати — 3 йил.

Қўшимча маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг [www.gki.uz](http://www.gki.uz) ва «Kvarts» АЖнинг [www.kvarts.all.biz](http://www.kvarts.all.biz), [www.kvarts.uz](http://www.kvarts.uz) веб-сайтларида жойлаштирилган.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**  
ЭЪЛОНЛАР  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**232-11-15,**  
**236-09-25.**  
E-mail: reklama@xs.uz

## «REAL ESTATE BUSINESS» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси Бухоро шаҳар суд ижрозчилари бўлимининг 2016 йил 11 майдаги 01/03-11286-сонли буюртма хатига асосан, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига 2015 йил 12 февралдаги 4-5242-сонли ижро варақасига асосан ундирувга қаратилган, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчасида жойлашган, ер майдони 165 кв.м.дан иборат бўлган новвойхона биноси кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 105 000 000 (бир юз беш миллион) сўм.**  
Аукцион савдоси 2016 йил 20 июнь кунни соат 16.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават, 407-хонада бўлиб ўтади.

**Талабгорлар диққатига!**  
Аукцион савдосида қатнашиш учун буюртманомалар 2016 йил 18 июнга қадар иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти.

Талабгорлар аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув-шартномага асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизи миқдоридида закалат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи мшончли вакил учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома тақдим этишлари лозим.

Аукцион савдоси голибига 5 банк кунни мобайнида сотиб олинган мулк қийматини 100 фоиз тўлаш мажбурияти юклатилади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «Real estate business» МЧЖ, х/р: 2020800000485440001, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бухоро вилояти минтақавий филиали, МФО: 00115, СТИР: 303391629, ОКОНХ: 83200.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки объект билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун аукцион ташкилотчиси — «Real estate business» МЧЖга қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:  
200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 14-уй.  
Телефонлар: (0-365) 221-59-55, (+99890) 383-84-80, (+99893) 383-00-17.

Хизматлар лицензияланган.

## ЭЪЛОНЛАР

### «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

2016 йил 7 май кунни «Халқ сўзи» газетасининг 89 (6524)-сонидида чоп этилган аукцион савдоси ҳақидаги эълонга қуйидаги ўзгаришлар киритилди: Аукцион савдоси 2016 йил 31 май кунни соат 11.00 да ўтказилади.

Талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати — 2016 йил 27 май соат 16.00.

Хизматлар лицензияланган.

## Ташкилот қуйидаги жиҳозларни етказиб бериш бўйича танлов савдоларини эълон қилади:

Жиҳозлар номи	Бошланғич баҳоси (ҚҚСсиз, сўмда)
Вентиляция ва сунъий иқлим ҳосил қилиш (кондиционирование)	415 000 000
Электр жиҳозлари	750 000 000
Қозонхона жиҳозлари	1 900 000 000
Кирхона жиҳозлари	400 000 000
Ошхона жиҳозлари	900 000 000
Огоҳлантириш тизими жиҳозлари	890 000 000
Алоқа жиҳозлари	390 000 000
Ёнгин хавфсизлиги ва кўриқлаш сигнализацияси	850 000 000
Кўриқлаш телевидениеси	830 000 000
Лифт жиҳозлари	250 000 000

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, 3-қават, 55-хона. Тел./факс: (0-371) 241-27-61. E-mail: ur\_sueq@inbox.uz

# БАХТ

Биз Ватанимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш каби муҳим вазифаларни давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз ва бу соҳада амалга ошираётган ишларимиз бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳавас билан тан олинмоқда.

Ислом КАРИМОВ

# МАЎНАЗИЛИ



Шифокор учун ундан даво топган беморнинг миннатдорлик сўзларини эшитишдан ортқ мукофот бўлмаса керак. Шукри, фаолиятимиз давомида бундай қувончли онлар кўп учрайди. Айниқса, ҳудудимизда яшаётган ҳар бир онанинг фарзандини эсон-омон дунёга келтирганлиги тўғрисидаги хабар қувончимизга қувонч қўшади.

## Меҳр — шифо, эътибор — малҳам

нинг саломатлиги ҳам доимий эътиборимизда бўлади. Шу ўринда айтиш лозимки, қишлоқ врачлик пунктимида аҳоли, хусусан, она ва бола саломатлигини муҳофа-

аввало, тиббий кўриқларни янада самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда қишлоқ врачлик пунктлари юртимиз тиббиёт соҳасининг қуйи ҳамда айна пайтда, аҳоли саломатлигини сақлашдаги энг муҳим бўғини сифатида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Қувонарлиси, бири-бирдан кўркам ва замонавий шариоитларга эга бу даволаш муассасалари халқимизнинг баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу ниятини рўйбга чиқаришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

**Феруза ҚОСИМОВА,**  
Мирзаобод туманидаги «Наврўз» қишлоқ врачлик пункти мудири,  
«Шухрат» медали соҳибаси.

Хар қандай инсон табиат мўъжизаси бўлган гулни кўрганда, унинг фусункор латофати, кўрку таровати, муаттар бўйидан баҳридилни очилиб кетади. Қай вилоят, қай туманга борманг, кишилар ўз теварак-атрофини гул билан безаб, файзли, кўркам қилишга интилишининг гувоҳи бўласиз.

## Гул ила муаттар...

Дяярли ҳамма тўю томоша, тантанано маросим гулсиз ўтмайди. Қаердаки, шод-хуррамлик ҳукм сурса, ҳаётга муҳаббат жўш урса, ўша ерда гул бор. Инсон қалбининг бебаҳо жавоҳири, ишқининг рамзи ҳам шу — гул.

Дилимиз уйини ҳамisha чарогон қилувои ёримиз, қизимиз, синглимиз, опамиз бўлмиш аёллар ҳам хулқ-одоби, меҳр-муҳаббати, ақл-заковати, садоқат-вафоси, қадди-қомати, юриш-туришдаги нозиклиги, зеболиги, кўҳлилиги билан гулга таққосланади.

Адабиётимизда ҳам гулга муносабат алоҳида. Санъат асарларини гулга қиёслаганда, «Гулдаста», деб аташади. Чинакам инсонийлиги туфайли элнинг, юртининг хурматига сазовор бўлган кишиларни ҳам «Одам боласи — элнинг лоласи», деб эъзозлаймиз.

Демак, биз ҳаётимиз боғи гуллаб-яшнаши учун унинг гуллари — она ва болани авайлаб-асрашимиз, тарбияси, парваришига эътиборимизни кучайтиришимиз керак. Шундай экан, гулларни асраб-авайлаб, гўзал инсоний фазилатларни ўзимизда намоеён қилиб, юртимизни ҳам гулдек яшнатиб, умримизни ҳам мазмунли ва мақсадли бўлишига интилиб яшашимиз ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Ҳаёт давом этаверади, гуллар эса оқибат тимсоли бўлиб қолаверади.

Туйғу

Ушшаши йўқ бу гўзал бўстон, Достонларда битган гулистон. Ўзбекистон дея аталур, Уни севиб эл тилга олур,

— дея ёзган эди Ҳамид Олимжон. Бизга жон бахшида этиб, гўдақлигимиздан то умримиз охиригача серҳарорат меҳрини амайдидан онамиз, ўзининг маъсумалиги, самимий муҳаббати, меҳрибонлиги билан

тарихи» деган дафтар тутамиз. Унга чақалоқнинг ўсиши ва соғлиги ҳамда эмлашлар билан боғлиқ барча маълумотни қайд этиб бораемиз.

Аслида, бола соғломлигига қаратилган бу жараён туғуруқдан анча аввал бошланади. Яъни ҳудудимизда фертил ёшидаги аёллар учун ҳар йили чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ташкил этилади. Албатта, мазкур даволаш-профилактика тадбири ҳам оналаримизни ҳомиладорлик даврига соғлом қилиб тайёрлашга қаратилган. Айна чоғда, туғилажак бола бир ойлик ҳомилалигидаёқ шифокорлар назоратига олинади. Шунинг баробарида, она-

## Дил сўзи

за қилиш бўйича барча зарур шариоит яратилган. Сўнгги йилларда «Саломатлик — 3» лойиҳасига биноан замонавий тиббий ускуналарга эга бўлди. Шунингдек, лаборатория, физиотерапия, кундузги стационаримиз мавжуд.

Жорий, яъни Соғлом она ва бола йили учун алоҳида иш режаси белгилаб олганмиз. Ундаги энг асосий вазифа профилактик тадбирларни кучайтиришдан иборат. Бунда,

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 — 12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир.



## Ажаб сеҳри бор

Бешинчи синфда ўқиётган чоғимда мактабимиздаги мусиқа тўғралигида қатнаш бошладим. Орадан кўп ўтмай, онам чиройли дутор совға қилдилар. Бу тўғрадан кўнглим тоғдек ўсди, санъатга иштиёқим янада ортди.

нинг шилдираши, ҳамқишлоқларимнинг меҳр-оқибати, десам, муболага эмас. Дутор чертишни бирмунча ўзлаштириб олганимдан сўнг онам Учкўрғон шаҳридаги 12-мусиқа ва санъат мактабига олиб бордилар. Миллий қолғуси асбоблари фани муаллимлари Шохсанам Турғунбоева ва Одина Абророва тинглаш қобилиятини синовдан ўтказишга, мактабга қабул қилиндим. Устозларим садоми, бу ерда яратилган шарт-шариоитлардан оқилона фойдаланиб, тез орада мумтоз куйларни чалишни ўрганиб олдим.

## Кувонч

Ижодга интилган киши борки, илҳомни табиатдан, одамларнинг самимиетидан олади. Мени мусиқа оламига чорлаган ҳам она қишлоғим — Қизилтовнинг бетакрор манзаралари, қушларнинг чуғур-чуғуриро анҳор суви-

авлод», «Камалак юлдузлари» танловларининг туман, вилоят босқичлари дастлабки муваффақиятларимга сабаб бўлди. «Дутор ифори», «Қуш тили», «Тановар» сингари мумтоз куйларни ижро этишим барчага манзур тушиб, совриндор бўлдим. Жорий йилнинг март ойида эса биринчи бор «Золотое кольцо» халқаро болалар фестивалида қатнашиб, учинчи даражали диплом билан тақдирландим. Унда ижро қилган «Попурри», «Калинка», «Қуштор» куйларим ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди ва мени танловнинг тақдирлаш маросимидаги гала-концертда иштирок этишга тақлиф қилинди. Муваффақиятларимни айтишдан мақсадим,

асло мақтаниш эмас. Бу ютуқлар, аввало, давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларни ўз фарзандларидан сўйиб эркалашлари, бекиёс ғамхўрликлари туфайли эъланигини таъкидлашдир. Эеро, неки орзу-умидлар қилсак, уларнинг амалга ошиши учун юртимизда барча шарт-шариоит муҳайё. Эътиборли жиҳати, ҳар биримизнинг эртани кунимиз, бахту саодатимиз пойдевори болалик чоғимиздан мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондек бетакрор мамлакатда туғилганим, бекиёс ғамхўрликлар қуршоғида ўсиб-ўлғаяётганимдан беҳад мамнунман.

**Гулноҳом ЭРКИНОВА,**  
Норин туманидаги 21-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси.


— дея ёзган эди Ҳамид Олимжон. Бизга жон бахшида этиб, гўдақлигимиздан то умримиз охиригача серҳарорат меҳрини амайдидан онамиз, ўзининг маъсумалиги, самимий муҳаббати, меҳрибонлиги билан

## Эътироф

Жийтсна ЧОУДХУРИ, «Ҳиндистон — МДХ» Савдо-саноат палатаси Бош котиби:

— Шуниси қувонарлики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамадан, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши таъминланаётгани мамлакат танлаб олган йўлнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Мисол учун, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш қарийб 7 фоиз ўсган. Бундай ютуқларга, албатта, ҳавас қилса арзийди.

## ҲАЁТИ ЧАЧИМАСИ



Маҳалламизда эрта тонгдан ҳаёт қайнайд. Катталар ишга, кичиклар ўқишга, жажжилар эса боғчага отланишган. Ҳамманинг чеҳраси очик, янги кунга иштиёқ уфуриб турибди. Одамларнинг бахтиёрлиги, энг аввало, юртимиздаги осойишталик, унинг замиридаги яратувчанлик, келажакка бўлган иштиёқ меваси эканлигини яна бир карра ҳис қилган ҳолда, хизмат вазифамни давом эттираман.

## Сурур

Юртимиз аҳли, мана, йигирма беш йилдирики, эзгу ниятлар оғушида яшаб, буюк келажак сари дадил одимляпти. Шаҳар

ва қишлоқларимиз кун сайин чирой очаётганини айтмайсизми?! Ҳар бир киши ўз гўшасини янада обод қилиш ҳаракатида.

Масалан, мен ишлаётган Елхон қишлоғини олайлик. Кейинги пайтларда унинг қиёфаси жуда-жуда ўзгариб кетди. Намунавий

лойиҳалар асосида кадр роствалар турароқ бинолари, кўркам мактаб, қишлоқ врачлик пункти, бошқа зарур инфратузилма иншоотлари уни замонавий масканга айлантирган. Бу ерда ҳамма ўз ишини сидқидилдан бажаради. Жумладан, биз ҳам ҳамкасбларимиз билан ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, маҳалладошлар осойишталигини таъминлаш бўйича зиммаларга юкланган вазифаларни астойдил уддалаб келаялмиз. Маҳалла фуқаролар

ийгини, фаоллар билан ҳамкорликда оилалар тотувлиги, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш, йигит-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга маълум этиш борасида амалга ошираётган кенг кўламли тадбирларимиз натижасида кейинги пайтларда жиноятчиликка умуман йўл қўйилмади.

Бугунги кунда Елхондаги 405 хонадонда 1792 киши истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ўз меҳнати ва интилишлари билан хонадонидан файзли турмуш муҳити-

ни яратган. Оилаларда ҳукм сураётган бахтиёрликдан эса бутун маҳалла масрур. Ҳудуд аҳлининг ҳар бир куни тинчлик-хотиржамликда кечиши, қўзлаган мақсад ва режалари ижобатини топшишига мен ҳам, оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан кўнглимда ажиб бир қониқиш туяман.

Хурматилла АБДУРАҲИМОВ,  
Тўрақўрғон туманидаги 9-сонли миляти таянч пункти участка профилактика инспектори.

## Халқ сўзи Народное слово

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 115 479 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Рекама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Жонионов. Навбатчи — Д. Улумуродов. Мусаҳҳах — Ш. Маширабоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6